# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● БУГУН — ХАЛҚАРО АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ КУНИ

## ИНСОН ОРТИШИ — МУАММО ОРТИШИМИ?

1989 йилнинг 11 июлидан эътиборан, демак 13 йилдирки, ана шу сана бор. БМТ Тараққиёт дастурининг Бошқарув кенгаши худди шу йили мазкур халқаро кунга асос солди. Хўш, бундай санага асос солиш, нишонлашдан мақсад нима? Келинг, аввало шу хусусда фикрлашиб олайлик.

Таъкидлаш жоизки, аҳолишунослик билан боғлиқ муаммолар ҳам долзарблиги жиҳатидан ҳеч бир глобал масаладан қолишмайди. Дунё аҳлининг кўпайиши билан уй-жой, озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Айниқса, 1950 йилдан 1990 йилгача аҳоли икки баробардан ортиқроқ кўпайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўсиш ер курраси ресурслари, атроф-муҳитга ҳам жиддий таъсирини ўтказиб, тараққиёт йўлида қилинаётган уринишларни йўққа чиқараяпти. Айнан 11 июлга келсак, 1987 йилнинг шу кунида дунё аҳолиси 5 миллиардга етган. 1999 йилнинг 12 октябрига келиб, инсоният 6 миллиардга етгани кўпчилигимизга маълум. Бу ерда гап тўғридан-тўғри аҳолининг ўсиш суръатини қатъий пасайтириш хусусида кетаётгани йўқ. Айтиш лозимки, бу борадаги ўсиш кўпроқ ривожланаётган давлатларга тўғри келмоқда. Бу эса улар орасида қашшоқлик, турли хасталиклар урчиб кетишида муҳим омил бўлаётир. Мана, муаммонинг ташвишли томонларидан бири.

Энди аҳолишунослик борасида олиб борилаётган ишларни халқаро мувофиқлаштириш йўналишидаги фаолиятга назар ташласак.

Таъкидлаш жоизки, бунда БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси олиб бораётган ишлар мақтовга сазовор. Бундан ташқари БМТнинг Аҳоли қатламлари ва тараққиёти комиссияси аҳолишунослик борасидаги дастурларга раҳбарлик қилиб, унинг 44 та аъзоси бор.

1974 йилда Руминиянинг Бухарест шаҳрида, 1984 йилда Мексиканинг Мехико шаҳрида мазкур муаммо бўйича халқаро конференциялар бўлиб ўтиб, уларда муҳим дастурлар, қарорлар қабул қилинди.

Аҳоли қатламлари ва тараққиёти комиссияси тавсиясига биноан Бош Ассамблея 1985 йилда ҳар йилнинг октябрь ойи биринчи душанбасини Бутунжаҳон аҳоли пунктлари куни, деб эълон қилди. 1986 йилдан эътиборан бу сана нишонланиб келинаётир.

Мисрнинг Қоҳира шаҳрида 1994 йилда бўлиб ўтган аҳоли қатламлари ва тараққиёт муаммолари бўйича халқаро конференцияда дунёнинг 179 та давлатидан вакиллар қатнашиб, унда репродуктив саломатлик, оилани режалаштириш борасида 20 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури тасдиқланди. Ҳаракат дастурида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик, маданий, диний ўзига хосликларидан келиб чиқиб, бу борада сиёсат ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

1996 йилда Истамбулда бўлиб ўтган халқаро конференцияда эса дунё мамлакатлари раҳбарлари ҳар бир киши учун тегишли уй-жой, барча халқлар турмуш даражасини яхшилаш, инсон имкониятларини барқарор тараққий эттириш ва молиявий ресурсларни ишга туширишга дахлдор мажбуриятлар мажмуасидан иборат «XXI аср кун тартиби» дастурини қабул қилгани муҳим аҳамият касб этди.

БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 7,7 миллиардан 11,1 миллиардгача етиши мумкин экан. Демак, аҳолишунослик борасидаги муаммоларни бартараф этмасак, бу жиддий ташвишлар туғдириши ҳам ҳеч гапмас.

**Капитан А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ЭТО ИНТЕРЕСНО

## А вы знаете, что...



Первую газовую плиту, появившуюся в продаже, спроектировал Джеймс Шарп, ассистент директора газового завода в Нортемптоне (Англия) и установил её в 1826 году у себя дома. Первые плиты купили в 1834 году отели в Левингтоне и Нортемптоне. В одном из них по этому поводу специально устроили обед на 100 человек, все блюда для которого были приготовлены на газовой плите. Плита современного типа с духовкой появилась впервые в 1852 году.

* * *

Первый гараж, построенный специально как помещение для автомобилей, появился в 1899 году у доктора В. Барретта из Сауфпорта (Англия). Гараж был соединен с домом доктора коридором, который облегчал доступ к его двум машинам. Барретт известен также как изобретатель практичного домкрата для поднятия машины.

* * *

Первый в мире железнодорожный вокзал открылся в Лондоне 20 июля 1837 года.

* * *

Первым видеоклипом был семиминутный фильм с «Богемской рапсодией» группы «Гуинн». Режиссером фильма, снятого для рекламы альбома группы, был Брюс Говерс, бюджет составил 4,5 тысячи фунтов. Впервые фильм был показан 20 декабря 1975 года.

* * *

Первая государственная лотерея была проведена для получения денег на ремонт портов, фортификаций и других сооружений по указу английской королевы Елизаветы I в 1567 году. Было напечатано 400 тысяч билетов по 10 шиллингов каждый. Призовой фонд составлял 5 тысяч фунтов.

## КЕЧИККАН ЖАВОБ

Ўтган замонда Берлинда машҳур тиббий олим яшаган бўлиб, ҳамма талабалар ундан қўрқишар экан. Чунки у имтиҳонда қийин-қийин саволлар берар ва жуда жиддий экан.

Кунларнинг бирида бир талаба имтиҳонга кирибди ва олимга қўрқув билан боқибди. Профессор қисқа, лекин оғир саволлар берибди. Талаба бир касалликни тасвирлаб бериши керак экан. Талаба касалликнинг ҳамма асоратларини тўғри гапириб берибди. Сўнгра талаба бу касалликка қарши дорини айтиши керак экан. У касалликни даволайдиган дорини айтади. «Яхши, касалга бу доридан қанча берасиз?» — деб сўрабди профессор. «Бир ошқошиқда тўла берамиз», — деб жавоб берибди талаба.

Кейин талаба имтиҳон хонаси эшиги олдида туриб, натижани кута бошлабди. Шу пайт бирдан жавоб нотўғрилиги эсига тушиб қолибди. Талаба тез имтиҳон хонаси эшигини очиб, бақириб юборибди: «Жаноб профессор мени кечиринг, эсимга тушди. Бир ошқошиқ тўла дори берсак, бемор учун кўплик қилади! У доридан фақат 5 томчи қабул қилиши мумкин». «Бу нарса ёдингизга кеч тушибди, — дебди профессор. — Касал аллақачон ўлиб бўлди».

**Немис тилидан**
**ЎЗМУ талабаси**
**Улуғбек ИМЯНОВ**
**таржимаси.**

● ҲИКМАТЛАР

Гул муаттар бўйини ёш ниҳолларга улашгандек, қалби дарё ота-она ҳам фарзандларини инсонпарварлик руҳи билан файзиёб қилади.

* * *

Ҳар куни иложи борича одамларга, жамиятга яхши, шарафли ишлар қиламан, деган мумтоз ният билан уйдан чиқ, яхши ниятинг содиқ йўлдошингдир.

* * *

Одамларнинг бахти ҳисобига бахт излаш — бадбахтлик, уларни бахтли қилиш учун курашиш бахтиёрликдир.

* * *

Ижодий камолот сари интилаётган кишининг қўлидан тортилса — майдонга чиқади, оёғидан тортилса — йиқилади. Биринчиси — инсонпарварлик, иккинчиси — бахиллик ва ҳасадгўйликдир.

* * *

Омади келиб, бошига бахт қуши қўнган кишининг атрофида парвоналар кўпаяди. Лекин бошига кулфат тушган одамга ёрдамга ошиқиш — мардларнинг иши.

● ТЕХНИКА ОЛАМИДА

## КОИНОТДАН ТАБРИКНОМА

Япон олимлари фан оламида эришаётган муваффақиятлар инсоният тараққиётига муҳим ҳисса бўлаётгани сир эмас. Дунёдаги ихтироларнинг аксарияти япониялликларга тегишли эканлиги ҳам сир эмас. Куни кеча Кунчиқар мамлакати мутахассислари яна бир ихтиро қилди.

Олимлар дурбин-фотоаппарат пайдо бўлгани ҳақидаги хабарлар совумай туриб, телекоммуникация соҳасида янги ихтирога қўл урди. Японияликларнинг фикрича, алоқа жараёнида коинот ҳам фаол иштирок этиши керак. Уларнинг таъкидлашича, фазодаги сунъий йўлдошлар фаолияти доирасини кенгайтирадиган вақт келди.

Интернет тармоғи орқали электрон почтадан фойдаланиш бугун янгилик ҳисобланмайди. Компьютер орқали мактуб битиш ёки қабул қилиш хизмати жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Бироқ фазовий электрон почта ҳақида ҳали эшитмаган бўлсангиз керак. Японијалик мутахассисларнинг айтишича, компьютер орқали коинот алоқаси мисли кўрилмаган даражада даромад келтириши мумкин.

Япония матбуотида шовшувга айланган бу кашфиёт асли нимадан иборат? Янги хизмат тури оддий электрон хат-хабар ёки табрикнома бўлиб қолмайди. Унга Ер шарининг коинотдан туриб тасвирга олинган суратлари ҳам илова қилинади. Бу жараён ниҳоятда осон кечади. Сизнинг табрик-истакларингиз компакт-дискларга ёзиб олинади ва халқаро коинот станциясига жўнатилади. Туғилган кунингиз учун эса табрикнома самовий электрон почта орқали сизга етказилади.

Коинотдан табрикнома олиш кишига ўзгача қувонч бағишласа-да, бу унга анча қимматга тушиши мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, тўрт юз иероглифдан иборат дил розини жўнатиш учун 250 АҚШ доллари миқдорида пул керак бўлади. Бироқ, нарх японларни чўчитмаяпти. Бу каби табрикномаларга қизиқиш катта. Агар ишлар муваффақият билан давом этса, «Ай-Эйч-Ай Аэроспэйс» компанияси бойиб кетиши шубҳасиз. Сабаби фазовий электрон почта хизмати фақат шу ташкилот томонидан бажарилади. Яъни, компаниянинг рақиби ҳозирча йўқ.

Илк буюртмалар 7 июлдан, Японияда «Танабата», яъни севишганлар байрами кунидан берила бошлади.

**Ш. МАТНАЗАРОВА,**
**УзА шарҳловчиси.**

## ТУРФА ОЛАМ

Ғарбий Африкада яшовчи бу ғаройиб қуш ташқи кўринишидан ёввойи каптарларга ўхшайди. Бироқ патларининг ранги ҳар хил — товус каби товланади: зангори, кўк, сариқ, тўқ қизил рангда. Аммо бу қушнинг яна бир хусусияти борки, у ёмғир остида қолса, ранглари ювилиб, бўзрайиб қолади. Қуёш чарақлаб чиққач эса яна аввалгидек ял-ял товланади.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆

### КУПЛЮ

◆ Холод., шв. маш., ТВ., в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

◆ холод., мороз., шв. маш., оверлок, БК, газ. пл., Т.: 90-73-29.

◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

◆ старинные нагрудные знаки: авиационные, железнодорожные, правоохранительные (ВЧК, НКВД, МООП, МВД, КГБ), депутатские и др. Т.: 68-49-19.

◆ Дорого. Нагрудные знаки. Изд-я из серебра, бронзы, кортик. Т.: 67-48-18.

### ПРОДАЮ

◆ Холод., мороз., БК. Т.: 90-99-29.

### НЕДВИЖИМОСТЬ

◆ Продается дача. Назарбек. Т.: 46-61-38.

### РАЗНОЕ

◆ Хикмат Махмудович Узоқов номига 1996 йил 25 октябрда берилган 1716-сонли ер ижара шартномаси; ер бўлаги чегарасининг шакл-тасвири (кадастр сони 2167272234), ерни рўйхатдан ўтказиш далолатномаси, АКТ сдачи и приемки работ по заказу № 3590 справка исполнительного аппарата Хокима г. Ташкента от 25.10.1996 г. йўқолганликлари сабабли бекор қилинсин.

◆ Утерянное свидетельство о базовом образовании УР-3 (буквы нового узбекского алфавита, основанного на латинской графике) № 1429821, выданное школой № 162 Чиланзарского района г. Ташкента в 2002 году на имя **АБДУРАХМАНОВА** Шерали Иброхим ўғли, **считать недействительным.**

◆ Уроки французского для начинающих, подготовка абитуриентов к тестам. Т.: 133-34-83, 133-78-51, 90-27-86 (звонить с 9.00 до 18.00).

### УҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Миробод саноат коллежи қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:**

**— кенг ассортиментдаги кийимлар тайёрлаш бўйича бичувчи-тикувчи;**

**— миллий каштачилик.**

**Ўқишга 9-синфни тугатган қизлар қабул қилинади.**

**МАНЗИЛ: Тошкент-61, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй. Тел.: 56-78-83.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 9 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 АҚШ доллари 754,87

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

